

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг
йиғилиш Б А Ё Н И № 5**

2025 йил “23” июнь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Жамоатчилик кенгаши раиси
Ё.Х.Саъдиев

Йиғилишда қатнашдилар: Ички ишлар вазири А.А.Ташпулатов,
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*), Вазирликнинг соҳавий хизмат вакиллари

Йиғилиш ўтказиш жойи: ИИБ Мажлислар зали

Йиғилишнинг кун тартиби:

1. Ташкилий масала.

2. Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги фаолият якунлари бўйича ҳисоботи, камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимлари, шунингдек, иккинчи ярим йилликка мўлжалланган Дастурда белгиланган вазифаларнинг муҳокамаси тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан, кириш сўзини Жамоатчилик кенгаши раиси Ёдгор Саъдиев очиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар ва уларнинг натижадорлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Ушбу борада, ИИБ марказий аппаратида ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида фаолият кўрсатаётган кенгашлар бугунги кунда жамият ва ички ишлар органлари ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, умумий фаолиятни янада ривожлантириш ҳақида фикр билдириб, кенгашга қабул қилинган янги аъзолар: Мухторов А.А (*Ўзбекистон халқаро Исломишунослик академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази директори*), Усмонова М.А (*“Саодат” журнали бош муҳаррири*), Атаджанов А.Ю (*“Gazeta.uz” интернет наشري бош муҳаррири*), Абдукодиров Д.А (*“Kip.uz” интернет наشري бош муҳаррири*), Солижонов З.У (*Жамоатчилик фаоли, ҳуқуқшунос, мустақил блогер*) ҳамда Тошев Ф.И (*“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Самарқанд вилоят ҳокимлиги депутатлар кенгаши депутати*)лар билан барча иштирокчиларни таништирди.

Шундан сўнг, кун тартибига биноан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири А.А.Ташпулатовнинг Вазирлик тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг самарадорлиги ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Унга кўра, Президентимизнинг жорий йил 16 июндаги видеоселектор мажлисида, аҳолининг мурожаатлари билан боғлиқ танқидий муҳокамасида *“Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак!”* деган сўзларидан келиб чиққан ҳолда, сайёр қабуллар масаласига ҳам жиддий ёндашилаётганлигига алоҳида урғу берилди.

Бу борада, жорий йилнинг 5 ойи давомида, Вазирлик раҳбарияти ва соҳавий хизмат масъуллари томонидан ўтказилган шахсий қабуллар жараёнида жами 8 827 нафар фуқаро қабул қилиниб, деярли ярми (45,8%), яъни 4 044 нафар фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилган. 4 783 нафар фуқароларнинг мурожаатлари комплекс ўрганишни талаб этиши туфайли, ижроси назоратга олинди, ечимини таъминлаш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилган. Мазкур даврда, Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22.677 тага ёки 33 фоизга камайишига эришилган. Аҳоли мурожаатларини кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган 36 нафар ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Бундан ташқари, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳафтанинг ҳар якшанба кунлари, Ички ишлар вазири томонидан ҳар ойнинг охириги якшанба кунини шахсий қабуллар ҳамда жойларда оммавий сайёр қабуллар ўтказилиши белгиланиб, амалга ошириб келнмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 800 дан ортиқ оммавий тадбирларга ички ишлар органлари ходимлари жалб этилиб, жамоат тартибини таъминлаш фаолиятини амалга оширганлар.

Жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида самарали натижаларга эришилган бўлсада, киберхавфсизликни таъминланиши, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда ва бунга замонавий кибержиноятларнинг минглаб усул ва воситаларини қўлланилиши жараёни сабаб бўлиб, мазкур турдаги жиноятчиликни минималлаштириш мақсадида, ИИБ Киберхавфсизлик маркази ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Тизим фаолиятини рақамлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишда инсон омилини минималлаштириш ишларида ҳам ислохотлар давом эттирилган. ИИБ “NIS.UZ” идоралараро рейтинг баҳолаш тизимида 2024 йилда 100 баллдан 90,5 фоизни тўплаган ҳолда, давлат бошқаруви органлари ичида 5 ўринни эгаллаган. Вазирлик тизимида “DOC” электрон ҳужжат, “Е-турникет”, “Е-kadr”, “Е-guvohnoma”, “Е-ijtimoiy himoya”, “Е-XID” ва “Test markazi” ахборот тизимлари яратилиб ишга туширилган. Мазкур ахборот тизимлари 50 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг 240 дан ортиқ ахборот ресурсларига интеграцияланган. Ички ишлар вазири томонидан, тизимнинг имижига таъсир этаётган омиллар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб, унга оид таҳлиллар билан иштирокчилар таништирилди. Ушбу борадаги таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида ижтимоий тармоқларда ички ишлар органлари

фаолияти билан боғлиқ 1 046 та салбий ахборот тарқатилган бўлиб, 82 та ҳолат бўйича ўтказилган хизмат текширувлари натижасида 41 нафар ходим интизомий жазоланган. Ҳозирги кунда, ИИБ тизимининг ижобий имижини яратиш бўйича манзилли чоралар белгиланиб, бу борада қаҳрамонлик кўрсатган ходимлар тўғрисида Ўзбекистон Кинематография агентлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ватанпарварлик руҳини оширишга мўлжалланган ҳаётий кинофильм, сериал ва видеолавҳалар яратиш орқали, оммабоп ва миллий ички ишлар органи ходими имижини яратиш ишлари режалаштирилган.

ОАВ вакиллари жумладан, блогер ва влогерлар билан зиддиятли ҳамда ностандарт вазиятларда ўзларини қандай тутишлари кераклигини тушунтиришга мўлжалланган сайёр ўқув курслари жойларда ташкил этилган.

Олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида, ходимларнинг коррупцияга бўлган мурасасизлиги ортиб бормокда. Биргина жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида, ички ишлар органлари ходимларига пора таклиф қилинганлиги бўйича 122 та ҳолат аниқланиб, ҳар бири бўйича ЖКнинг 211-моддаси билан жиноят иши кўзгатирилган. Ходимлар эса, тизимнинг ички фондлари ҳисобидан, мазкур олинмаган пул миқдорида рағбатлантирилган.

Сўзи якунида Ички ишлар вазири А.Ташпулатов, ОАВ вакиллари томонидан тизим фаолиятига оид текширилмаган маълумотлар тарқатиб кетилишини олдини олиш мақсадида, Вазирнинг матбуот котиби Ш.Ғиёсовга улар билан тўғридан-тўғри алоқага чиқиш орқали, ҳар қандай масалада қонуний ечим топиш чораларини кўриши лозимлиги, шунингдек, барча бўғиндаги ахборот хизматлари раҳбарларига ОАВ вакиллари ҳамда Жамоатчилик кенгашлари вакиллари томонидан билдирилаётган аниқ таклиф ва тавсияларни пухта ўрганиш ва қўллаш доирасидаги топшириқларини берди.

Шундан сўнг, Вазирлик Ахборот хизматининг видеоҳисоботи томоша қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Унга кўра, 2025 йилнинг 5 ойи мобайнида ИИБ Ахборот хизмати ва унинг қуйи хизматлари томонидан ОАВлари ва интернет тармоқларда фаолиятга оид жами 60.110 мартаба чиқишлар ташкил этилган бўлиб, шундан телевидение орқали 4 763 та, радио орқали 2 054 та, босма нашрларда 1 393 та ҳамда интернет тармоқлари орқали 51.990 тани ташкил этган. Хорижий ОАВда Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ 43 та ахборот эълон қилинган. Шулар билан биргаликда, Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ижроси билан боғлиқ жами 3 792 та видеоролик, кўрсатув ва фильмлар тайёрланиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

Вазирликнинг босма нашрлари “Postda-На посту” газетаси ва “Qalqon-Щит” журналида ҳам, тизим фаолиятига оид 1 243 та мақолалар чоп этилганлиги билан барча таништирилди.

Мазкур видеоҳисобот барчага намоёиш этилгач, навбат савол-жавобларга берилди. *Дастлаб, “Кип.уз” интернет нашри бош муҳаррири Д.Абдуқодиров* Жиноят кодексининг 135-моддаси билан боғлиқ факт билан, Ички ишлар вазирига юзланиб, Навоий вилояти Навбаҳор ва Хатирчи туманларида одам

савдоси билан боғлиқ жиноятларда “Зарина” ва “Фарида” исмли аёллар Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун талабларини бузган ҳолда аралашганлиги ҳақидаги муаммонинг ечимига оид мурожаат қилиб чиқди.

Ички ишлар вазири томонидан, мазкур ҳолат бўйича ИИВ Тергов департаменти раҳбариятига Навоий вилоятига борган ҳолда, хизмат текшируви ўтказиш лозимлиги бўйича топшириқ берилиб, ҳар қандай аниқланган қонунбузарлик ҳолати бўйича қонуний чора кўрилиши таъминланишини ҳамда яқунлари бўйича маълумот берилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўнг, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Ф.Тошев таклиф билан мурожаат қилиб, миллий менталитет билан йўғрилган ва болалар ҳамда ёшларбоп, ихчам Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишга мўлжалланган китобча чоп этиш кераклигини айтиб, шунингдек, аҳоли орасида китобхонлик маданиятини ривожлантиришни тарғиб қилиш кераклигини билдириб, бу борадаги Хитой давлати тажрибасининг афзалликлари тўғрисида аниқ маълумотлар бериб ўтди.

Ички ишлар вазири томонидан, тизимда ушбу борада манзилли ва мақсадли чоралар кўрилиб борилаётганлигини, “Маҳалла еттилиги”ни жалб этган ҳолда, жойларда хонадонбай ишлаш тартиби жорий этилганлиги ва бундан мақсад, оила-турмуш доирасидаги жиноятчиликни жиловлаш экани тўғрисида батафсил тушунчалар берилди.

Сўнг, Жамоатчилик фаоли, ҳуқуқшунос, блогер З.Солижонов таклиф билан мурожаат қилиб, фуқароларнинг мурожаатларини диалог тарзида олиб бориш ва кенг намоёиш этиш, ходимларнинг бодикамералари фаолиятини такомиллаштириш каби масалалар билан юзланди. **Сўзни “Дунё ўзбеклари” сайти бош муҳаррири И.Хушев** давом эттириб, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси масаласини кучайтириш, оилавий шароитларини яқиндан ўрганиб, кўмакка муҳтож ходимларни қўллаб-қувватлашга оид таклифлар билан чиқди.

Ички ишлар вазири томонидан, аввало ички муҳитни яхшилаш мақсадида, **“Вазирга мурожаат”** боти яратилганлиги, унга жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар, 350 дан ортиқ ходимларнинг мурожаатлари келиб тушганлиги ва мазкур масалаларни яқиндан ўрганиш орқали, тизимда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш каби мақсадли ишлар йўлга қўйилганлиги тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шундан сўнг сўз, “Саодат” журнали бош муҳаррири М.Усмоновага берилди ва у маҳкума аёлларни сақланиши ва уларга яратилган шароитларни яхшилаш, қонунбузарлик содир этган хотин-қизларни тергов қилиш ва ҳибсга олиш масаласида, инсонийлик принципларини кенгроқ қўллаш юзасидан тўхталиб, асли сурхондарёлик ва Тошкент шаҳрида тикув цехида ўғирлик жинояти содир этиб, қамоққа олинган қиз тўғрисида мисол келтириб ўтди.

Ички ишлар вазири томонидан, Тергов департаменти ва Жазони ижро этиш департаменти масъул раҳбарларига қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва ижро этиш амалиёти юзасидан “Жамоатчилик кафилиги” институтини кенг тадбиқ этиш ҳамда тизимда адолат мезонини қўллаш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш сўнгида, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, ички ишлар органларини янада халқчил тузилмага айланишида Кенгаш аъзоларининг меҳнати жуда катта эканлигини, жинойтчиликни барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган ишларда, жамоатчилик аъзоларининг салоҳияти муҳим ўрин тутишини алоҳида эътироф этиб, келгусида режалаштирилган тадбирларда барчани янада фаолликка чақирди. Кенгаш олдида қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажарилишида, Вазирлик мутасаддилари доимо, яқиндан ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу борада, 2025 йилнинг 2-ярим йиллиги учун мўлжалланган Дастур ва унда акс этган бандлар билан иштирокчилар таништирилиб, мавжуд таклиф ва мулоҳазаларни эшитиш барчанинг диққат марказида бўлди.

Йиғилиш сўнгида, жойларда фаолият юритаётган ҳудудий Кенгашларда мавжуд муаммо ва масалалар юзасидан, ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда марказий Кенгашга алоқага чиқишлари мумкинлиги ҳақида тўхталиб, улар билан мақсадли ва манзилли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш муҳимлигига алоҳида урғу берилди. Сўнг, Кенгашининг 2025 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган Дастури бандлари ижросини таъминланишида барча иштирокчилар фаолликка чақирилди. Бу борада, Дастурда режалаштирилган тадбирлар юзасидан бир қатор тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда

Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:

1. Қуйидагилар:

- Ўзбекистон халқаро Исломшунослик академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази директори Мухторов Абдуҳамид Абдуҳадович;
- “Саодат” журнали бош муҳаррири Усмонова Мунаввархон Абдухокимовна;
- “Gazeta.uz” интернет нашри бош муҳаррири Атаджанов Азамат Юсупбаевич;
- “Kun.uz” интернет нашри бош муҳаррири Абдуқодиров Дилшод Ахмаджонович;
- Жамоатчилик фаоли, ҳуқуқшунос, мустақил блогер Солижонов Зафарбек Улуғбек ўғли;
- “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Самарқанд вилоят ҳокимлиги депутатлар кенгаши депутати Тошев Фармон Исҳоқович ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг аъзолари этиб сайланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талаблари асосида қайта тузилган ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ҳисоботи маъқуллансин ҳамда иккинчи ярим йиллик учун Дастурда белгиланган вазифалар иштирокчилар ўртасида муҳокама этилди деб ҳисобланиб, ижро учун қабул қилинсин.

3. ИИВ Ахборот хизмати (Ш.Ғиёсов), Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов) билан ўзаро ҳамкорликда

3.1. Ахборот хизмати раҳбари бошчилигида, мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастур ижрога қаратилсин;

3.2. Республика оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳудудий кенгашлар аъзолари билан алоқалар ўрнатилган ҳолда, манзилли ва мақсадли ҳамкорлик ишлари ташкиллаштирилсин;

3.3. Жамоатчилик фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирокида ҳар ойда бир маротаба соҳавий хизматлар фаолиятини яқиндан таништиришни назарда тутувчи пресс-турлар ташкил этиш орқали, соҳадаги ўзаришлар ва ислохотлар натижасини кузатиб бориш имконияти йўлга қўйилсин;

3.4. Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони 7.2 ҳамда 7.4-бандлари талабларига асосан, келгусида Фуқаролик жамияти институтлари томонидан бирорта ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида, ИИВга таклиф келиб тушган тақдирда, Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиши ва баҳоланиши ҳамда ушбу ҳақда ташаббускор Фуқаролик жамияти институтига ижтимоий буюртма берилиши масаласи кўриб чиқилсин;

3.5. Келгусида ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Тергов департаменти, Миграция ва бошқа тегишли соҳавий хизматлари йўналишида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги тўғрисида, Жамоатчилик кенгашининг ҳар чораклик ҳисобот йиғилишлари ташкиллаштирилсин. Бу борада, тизимни рақамлаштириш билан боғлиқ фаолиятга алоҳида эътибор қаратилсин;

3.6. Ҳудудий органлар томонидан Жамоатчилик кенгашлари фаолиятларини 2025 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун тасдиқланган Дастурда белгиланган вазифалар асосида йўлга қўйилганлиги, шунингдек заруратга кўра, Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талаблари асосида, Кенгаш аъзолари таркибини янгилаш чораларини кўрганлиги назоратга олинсин;

3.7. Кенгаш аъзолари томонидан, Вазирлик фаолиятига оид масалалар юзасидан, мониторинг ва ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан, уларни бартараф этиш ва тизимни ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазалар бўйича тегишли ҳужжатлар билан, Вазирлик раҳбарияти ўз вақтида таништириб борилсин;

3.8. Очиқлик ва ошкораликни таъминланиши борасида, аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилсин, унга оид ҳисоботлар билан жамоатчилик мунтазам таништириб борилсин;

3.9. ИИО ходимларининг ижтимоий ҳимояси масалалари билан шуғулланувчи масъул хизматлар фаолияти ўрганилиб борилишида давом этилиб, бу борада ҳалол, ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашувчи, виждон пок ходимлар сафини мунтазам рағбатлантириб бориш ишлари кучайтирилсин;

4. ИИВ Тергов департаменти (М.Саттаров)

4.1. “Kun.uz” интернет нашри бош муҳаррири Д.Абдуқодиров томонидан келтирилган Жиноят кодексининг 135-моддаси билан боғлиқ факт бўйича, “Зарина” ва “Фарида” исмли аёлларнинг иштироки масаласида, Навоий вилоятига борган ҳолда, сифатли хизмат текшируви ўтказсин ва ҳар қандай аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича қонунийлик таъминлансин;

4.2. Жамоатчилик кафолати масаласи фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳимлиги тўғрисида, жойларда фуқаролар орасида тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилсин ва ҳар иккала ҳолат якунлари бўйича қисқа муддат ичида Жамоатчилик кенгашига маълумот бериш учун, ИИВ Ахборот хизматига маълумотлар тақдим этилсин.

5. ИИВ Тергов департаменти (М.Саттаров), Жазони ижро этиш департаменти (Р.Турсунов) билан ўзаро ҳамкорликда

5.1. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётида, аввало қамоққа олинган шахснинг оилавий шароити, соғлиги, жинси ва унинг бошқа эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қўлланишини қатъий назоратга олсин;

5.2. Қамоққа олинган шахслар айниқса, ҳибсда сақланаётган аёлларнинг сақланиш шароитлари, инсонийлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, уларга кўрсатилаётган зарурий кўмаклар тўғрисида ўрганиш ишларини ташкиллаштира син ва натижаси бўйича ахборот берилсин.

6. Худудий ички ишлар органларлари раҳбарлари:

6.1. Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талабларига мувофиқ, 2025 йил биринчи ярим йиллик учун тасдиқланган Дастур асосида, ўзларининг ҳузурида фаолият юритаётган жамоатчилик кенгашларининг ярим йиллик фаолият якунларига оид ҳисобот йиғилишларини ташкил этиб, тегишли ҳужжатлар расмий веб-ресурсларга жойлансин;

6.2. Ахборот хизмати раҳбарлари масъуллигида ва ўзаро ҳамкорликда мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастурлар ишлаб чиқилсин ва ижрога қаратилсин;

6.3. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш фаолиятига доир ҳисоботлар, мажлис баёнлари доимий равишда юритиб борилсин ҳамда Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тегишли материаллар мунтазам равишда расмий веб-сайт ва телеграм каналларига жойлаб борилсин.

6.4. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш томонидан амалга оширилаётган фаолиятига доир юритилган маълумот ва ҳисоботлар, Вазирлик Ахборот хизматига ҳар чорак давомида тақдим этиб борилсин.

Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш Вазирлик Ахборот хизмати раҳбариятига юклатилсин.

Йиғилиш раиси

**Котиб,
полковник**

 **Ё.Х. Саъдиев**
 **Ш.К. Ғиёсов**

Жамоатчилик кенгашининг йиғилишида иштирок этганлар
РЎЙХАТИ

Кенгаш аъзолари:

1. Ё.Х.Саъдиев (Жамоатчилик кенгаши раиси)
2. З.А.Алматов (Кенгаш раисининг ўринбосари)
3. Ш.Г.Усманов
4. Т.М.Турсунов
5. М.С.Зикирова
6. У.Азим
7. Ғ.А.Мажидов
8. А.А.Азизов
9. Р.К.Маликов
10. С.Б.Рашидов
11. И.М.Хушев
12. А.М.Юсупов
13. А.А.Хамдамов

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. А.А.Ташпулатов (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири)
2. М.А.Усмонова (“Саодат” журнали бош муҳаррири)
3. А.Ю.Атаджанов (“Gazeta.uz” интернет нашри бош муҳаррири)
4. Д.А.Абдуқодиров (“Kun.uz” интернет нашри бош муҳаррири)
5. З.У.Солижонов (Жамоатчилик фаоли, ҳуқуқишунос, мустақил блогер)
6. А.А.Мухторов (Ўзбекистон халқаро Исломишунослик академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази директори)
7. Ф.И.Тошев (“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Самарқанд вилоят ҳокимлиги депутатлар кенгаши депутати)
8. Ш.И.Норгитов (ИИВ Ташкилий департаменти бошлиги)
9. Х.Х.Рўзиев (Ички ишлар вазири маслаҳатчиси)
10. Х.В.Махсумов (ИИВ ММИваКБТД бошлиги ўринбосари)
11. Ш.Ш.Ибрагимов (ИИВ ЙҲХХ бошлиги)
12. Р.Р.Турсунов (ИИВ ЖИЭД бошлиги)
13. Х.Ш.Кадиров (ИИВ ЖХД ХПХ бошлиги)
14. О.Н.Шарипов (ИИВ ЖХД ЖТСХ бошлиги)
15. М.Ю.Миралимов (ИИВ ТҚД ТҚКХ бошлиги)

ИИВ Ахборот хизмати бошлиги,
полковник